

ИССИҚ СУВ КЎРИНИШИДА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

ТЎҒРИСИДА 6 -СОНЛИ ШАРТНОМА

«05» январь 2021 йил

Қибрай т.

Бундан кейин “Транзит ўтказувчи” (улгуржи олиб - сотувчи) деб аталиб Устав асосида иш юритувчи Тошкент давлат аграр университети номидан ректорнинг 2021 йил 27 декабрдаги 1-6-6/1229-сон буйруғи асосида ҳаракат қилувчи Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор А.Абдувасиков бир томондан ва бундан кейин “Истеъмолчи – Субабонент” деб аталиб, Масъуд Рамаданиев мидеяси асосида иш юритувчи ишловчи директори С. Қоҳрамонов иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – томонлар деб аталади) ушбу шартномани куйдагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. “Транзит ўтказувчи” “Истеъмолчи – Субабонент”ни иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувни (кейинги ўринларда – иссиқлик энергияси) етказиб беради, “Истеъмолчи – Субабонент” эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун “Транзит ўтказувчи”га ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Томонлар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га амал қиладилар.
- 1.3. “Истеъмолчи – Субабонент” “Транзит ўтказувчи”нинг хизмати учун тўловларни олдиндан ҳар ойнинг **10 санасидан** кечиктирмасдан “Транзит ўтказувчи” томонидан тақдим қилинган тўлов варақаси асосида тўлайди.
- 1.4. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.
- 1.5. Шартномавий иссиқлик юкласини ўзгартириш “Истеъмолчи – Субабонент”нинг буюртмасига кўра “Транзит ўтказувчи” томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 2.1. “Транзит ўтказувчи” “Истеъмолчи - Субабонент”ни иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шартнома муддатида Тошкент иссиқлик маркази етказиб берган миқдор, босим ва ҳароратда иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлайди.
- 2.2. “Истеъмолчи - Субабонент” “Транзит ўтказувчи”нинг Тошкент иссиқлик маркази билан имзоланган шартноманинг тегишли ҳисобланган барча бандларига ва изоҳларига “Истеъмолчи - Субабонент” сифатида бажариш мажбуриятини олади.
- 2.3. “Истеъмолчи - Субабонент” иссиқ сув тармоқларидан лойиҳада кўрсатилганидек фойдаланади.
- 2.4. Иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадда фойдаланса “Транзит ўтказувчи” Истеъмолчини огоҳлантириб унга иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувни тўхтатиш ҳуқуқига эга.
- 2.5. “Истеъмолчи - Субабонент” ҳар ойда ҳисоблагич (агар ҳисоблагич бўлмаганда бинонинг қувватига берилган Гкал) кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 10 санасигача истеъмол қилган иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув ҳақидаги ҳисоботни “Транзит ўтказувчи”га тақдим этади, Истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг _____ санасигача тақдим этмаса шартнома шартларига кўра истеъмолчи тармоқдан узиб қўйилади.
- 2.6. “Транзит ўтказувчи” иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувни етказиб бериш режимини назорат қилади.
- 2.7. “Истеъмолчи - Субабонент”:
иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувдан фойдаланиш қоидалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларини субистеъмолчиларга уламаслик;
иссиқ сув кўринишидаги иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
- 2.8. “Истеъмолчи - Субабонент”га иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш жараёнида вужудга келган авария ва носозликларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш ҳамда улар юзасидан қилинадиган харажатлар ҳисоб-китоб қилиниб “Истеъмолчи - Субабонент” ва “Транзит ўтказувчи” ўртасида тенг тақсимланади.

III. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Узатилган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи - Субабонент" "Транзит ўтказувчи"га 1 Гкал учун 162 997,55 сўм тарифи бўйича тўлайди

3.2. Шартнома суммасининг умумий миқдори 45 997 908.60 (қириқ беш миллион тўқиз юз тўқсон еттиминг тўққиз юз саккиз 60 тийин) сўм ташкил этади.

3.3. Шартнома бўйича ҳисоб-китоб "Истеъмолчи - Субабонент" учун алоҳида юритилган "Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув қуввати ҳисоб-китоби"га мувофиқ амалга оширилади. Олдиндан тўлов 100 фоизни ташкил этади.

3.4. "Истеъмолчи - Субабонент" томонидан сарф қилинган иссиқлик энергияси ва иссиқ сувнинг қуввати учун ҳисоб-китоб қилиш ўзаро тузиладиган ҳисоб-фактурага мувофиқ амалга оширилади. Тўлов "Истеъмолчи - Субабонент" томонидан ҳар ойнинг 10 санасида "Транзит ўтказувчи" ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан бажарилади.

3.5. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларини кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка, маъмурий жазо қўлланилган кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²–моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

3.6. Сарф харажатлар спецификацияси:

№	Ойлар	1 гек/калл киймати (сўм)	Эҳтиёж (гек/калл) (бюджет)	Эҳтиёж (гек/калл) (сп.счет)	Эҳтиёж (гек/калл)	Умумий киймати (сўм) (бюджет)	Умумий киймати (сўм) (сп.счет)	Умумий киймати (сўм)
1	Январь	162 997,55	134.97	6.13	141.1	21 999 779.32	999 174.32	22 998 954.30
2	Февраль	162 997,55	134.97	6.13	141.1	21 999 779.32	999 174.32	22 998 954.30
3	Март	162 997,55	00.00	00.00	00.00	00.00	00.00	00.00
Жами:						43 999 558.64	1 998 349.96	45 997 908.60

3.7. Жами, 45 997 908.60 (қириқ беш миллион тўқиз юз тўқсон еттиминг тўққиз юз саккиз 60 тийин) сўм. Шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобидан: 43 999 558 сум 64 тийин. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан: 1 998 349 сўм 96 тийин.

3.8. Шартнома 2012 йил « 05 » январ дан 2012 йил « 31 » февраль гача амал қилади.

3.9. Амал қилиш муддати тугашидан олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда мувожаат қилинса, тарафларнинг ўзаро келишувига кўра шартнома узайтирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Томонлар шартномадан келиб чиққан ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 324, 333-339-моддаларига "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 24-36 моддаларига биноан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

4.2. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолатидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи – субабонент" "Транзит ўтказувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

V. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни иқтисодий судгача бевосита ўзаро мустақил равишда ёки юқори бошқарув органларига арз қилиш орқали хал этиш чораларини курадилар.

5.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судга мувожаат қилишга ҳақлидир.

VI. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

6.1. Тарафлар шартномани форс - мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар, табиий офатлар ва ҳоказолар) туфайли бажара олмаганини исботласа, жавобгаргар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

7.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди. Улардан биттаси "Транзит ўтказувчи"да, иккинчиси "Истеъмолчи"да сақланади.

7.2. Шартномага бир томонлама ўзгартириш ва қўшимча киритиш таъқиқланади.

7.3. Ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, тарафлар томонидан имзолангандагина ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Шартномани бир томонлама бекор қилишда бир томон иккинчи томонни бир ой олдин ёзма равишда хабардор этиши шарт.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

Тошкент Давлат Аграр Университети
Манзил: Тошкент-140 Университет куч 2-уй
Х\р: 23402000300100001010
Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО: 00014, ИНН: 201122919
Молия Вазирлиги Газначилиги Амалиёт бош.
ИНН: 201678867 ОКОНХ: 92110
Шх/в: 400110860 27248 7094 1000 82001


Проректор  А. Абдувасиков

Бош ҳисобчи:  А. Ботиров

Юрист  Б. Бекмуродов

Мухандис  С. Тошматов

ТошДАУ академик лицейи
Тошкент вилояти Университет кўчаси №2
Л/с: 100010860272487092500082001
ШХР: 400110860272487092500082002
ХККМ МБ бош бошқармаси
Телефон: 55-503-02-76
МФО 00014 ОКОНХ 92310
ИНН 203331499
Молия вазирлиги Газначилиги
Р/с: 23402000300100001010
МФО 00014 ИНН 201 122 919

Ижрочи директор  С. Кахрамонов

